

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ– АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ФАТТАХОВ БОБИР ШАВКАТОВИЧ

**УРОГЕНИТАЛ ХЛАМИДИОЗ ВА УРЕАПЛАЗМОЗЛИ БЕМОРЛАРНИ
ДАВОЛАШДА УМУМИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИММУНИТЕТНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Фаттахов Бобир Шавкатович

Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозли беморларни даволашда умумий ва маҳаллий иммунитетни ҳисобга олган ҳолда янгича ёндашувлар..... 3

Фаттахов Бобир Шавкатович

Новые подходы к терапии больных с урогенитальным хламидиозом и уреоплазмозом с учетом общего и местного иммунитета..... 25

Fattakhov Bobir Shavkatovich

New approaches to therapy of patients with urogenital chlamydiosis and ureaplasmosis taking into account the general and local immunity..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ– АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ФАТТАХОВ БОБИР ШАВКАТОВИЧ

**УРОГЕНИТАЛ ХЛАМИДИОЗ ВА УРЕАПЛАЗМОЗЛИ БЕМОРЛАРНИ
ДАВОЛАШДА УМУМИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИММУНИТЕТНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Tib69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология и косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот ва маърифий порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сабиров Улуғбек Юсупхонович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Хаитов Қахрамон Нажмитдинович тиббиёт фанлари доктори Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент Тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» январь, соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (500 - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй.Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жинсий алоқа орқали юқувчи инфекциялар дунёнинг кўпгина давлатларида муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб келмоқда, баъзи давлатларда эса ҳаттоки эпидемия тусини олмоқда. БЖССТ маълумотларига кўра, "...ҳар йили 600 миллионга яқин жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар билан касалланиш ҳолати учрайди, уларнинг 250 миллионга яқинини урогенитал хламидиоз ва уреоплазмоз ташкил этади"¹. Бу инфекциялар билан нафақат урогенитал тизим, балки бошқа соҳалар: кўриш, бўғим, респиратор ва бошқа тизимларнинг ҳам зарарланиши боғлиқлиги кузатилади. Клиник кузатувлар ва тадқиқотлар натижаларидан, урогенитал тракт яллиғланиши натижасида бепуштлиқ, туғилиш кўрсаткичлари пасайиши, ҳомиладорлик патологиялари, янги туғилган ва эмизиш ёшидаги чақалоқлар патологияларига олиб келиши ўз исботини топган.

Жаҳонда турли этиологияли уретритлар орасида жинсий алоқа орқали юқувчи инфекциялар энг кўп тарқалганлиги билан алоҳида ўрин тутди. Хламидий ва уреоплазма инфекцияси фаол жинсий ёшдаги эркак ва аёлларда кўпроқ, яъни 20-45 ёшдагиларда учраши исботланган. Урогенитал инфекцияларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда патогномик клиник симптомлар йўқлиги, кечиш даврининг узунлиги, рецидив кечишининг кўплиги, бир қанча инфекцион агентлар билан биргаликда учраши натижасида иммуносупрессия ҳолати шаклланиши ва бунинг натижасида жараённинг сурункали тусга ўтишидадир. Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли инфекциялар туфайли сийдик-таносил йўллари яллиғланиши касалликларида ҳужайра иммунитетини фаоллиги пасайиши ва гуморал звенонинг фаоллашиши илмий тадқиқотларда ўз исботини топган. Бу борада аҳоли орасида бу хасталик билан оғриганлар беморларни ўз вақтида аниқлаш, янги иммунопатогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли қатламларида терапевтик касалликларни эрта ташхислаш, такомиллашган даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва улар натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олиш бўйича маълум ютуқларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларида "...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланиб тиббий ёрдам кўрсатиш"² вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда замонавий технологиялардан

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2016 йилдаги ҳисоботлари

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3071- сон Қарори

фойдаланишни кенгайтириш орқали дерматовенерологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3071-сонли ”Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳадаги бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари доирасидаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида жинсий алоқа орқали юқувчи инфекциялар туфайли келиб чиққан сийдик-таносил тизими яллиғланиш касалликларини даволашда маълум ютуқларга эришилди, турли илмий тадқиқотлар олиб борилди, ташхисот ва даволашда янги ютуқларга эришилди, бу эса ўз навбатида репродуктив бузилишларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга (Анисимова Е.Н. ва б., 2011). Жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларнинг кўпгина аспекти (эпидемиологик, клиник, диагностик) қатор хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган (Кубанова А.А. ва б., 2000; Бутов Ю.С., 2009; Рищук С.В., Дробченко С.Н., 2016; Чубуков О.А., Шкарин В.В., 2017; Veznik Z. et al., 2004; Wang Y. et al., 2006). Сўнгги йилларда ЖЙОЮКлар билан оғриган беморлар сонининг турли сабабли, турли даражада намоён бўлган иммун бузилиш ҳолатларнинг ўсиши кузатилмоқда (Кубанова А.А., Зудин А.Б., 2000; Исаков В.А., Чайцев В.Г., 2000; Наби-Заде М.А. ва б., 2002; Рищук С.В. ва б., 2010).

Кўпгина муаллифларнинг ишларида (Абидов А.М. ва б., 1997; Эшбоев И.У. ва б., 1999; Сулакадзе З.М., 2005; Arno J.N. et al., 1998) урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозли инфекциялар туфайли келиб чиққан сийдик-таносил тизими яллиғланишли беморларда ҳужайра иммун тизими пасайиши ва гуморал звенонинг кўтарилиши кўрсатилган. Бошқа муаллифлар (Глазкова Л.К., Алимов О.Е., 1999) эса бунинг акси фикрни, яъни гуморал фаолликнинг пасайиши ва ҳужайрали иммунитетнинг активлашишини исботламоқчи бўлганлар. Миколаускас В.П. (2003, 2004), 63% урогенитал хламидиозли беморда иммунологик кўрсаткичларда силжишни, яъни ИФ-γ концентрациясининг пасайиши, яллиғланиш интерлейкин (ИЛ-1β, ИЛ-8, ЎНО-α)ларда ҳеч қандай ўзгаришларсиз, иммун жавобнинг йўналишларининг ҳамма жабхаларида (ИФ-γ/ИЛ-4, ИФ-γ/ИЛ-5, ИФ-γ/ИЛ-10)

пасайишни текшириб исботлаган.

Сийдик-таносил аъзоларининг хламидиоз ва уреаплазмоз билан ассоцирланган инфекциялари туфайли келиб чиққан сурункали яллиғланиш жараёнларида маҳаллий иммунитет ҳолати кам ўрганилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, урогенитал хламидиоз ва уреаплазмозли беморларда умумий ва маҳаллий иммунитет, ҳамда цитокин ҳолатини комплекс равишда ўрганиш беморларни самарали тўғри ташхисоти ва даволашида муҳимлиги маълум бўлмоқда. Юқоридаги кўрсатилган фактлар шуни кўрсатадики, урогенитал хламидиоз ва уреаплазмозли беморларда патогенезни чуқур ўрганиш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси дерматовенерологиянинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалиёт тиббиёт марказининг ИТИ режасига мувофиқ АДСС-20-2 рақамли “Ногонококкли ЖАОЮКлар туфайли келиб чиққан репродуктив бузилишли пациентларда ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикасини ишлаб чиқиш” (2009-2012 йй.) гранти мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади урогенитал хламидиоз ва уреаплазмозли беморларни даволашда умумий ва маҳаллий иммунитетни ҳисобга олган ҳолда даволашни такомиллиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сийдик-жинсий йўллари касалликлари билан хасталанган беморларда урогенитал хламидиоз, уреаплазмоз ва уларнинг ассоциацияси клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

урогенитал хламидиоз ва уреаплазмоз билан хасталанган беморларда текширув усулларини қиёсий тавсифини баҳолаш;

урогенитал хламидиоз, уреаплазмоз ва уларнинг ассоциацияси билан хасталанган беморларда умумий ва маҳаллий иммунитет, ҳамда цитокин ҳолати даражасини аниқлаш;

олинган натижалар асосида урогенитал хламидиоз ва уреаплазмоз билан хасталанган беморларни даволашнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида урогенитал уреаплазмоз ва хламидиоз билан оғриган 102 нафар 26 ёшдан 65 ёшгача бўлган эркак беморлар олинди.

Тадқиқот предмети сифатида беморлар веноз қони ва қон зардоби ИФА, иммун ва цитокин статус тадқиқоти учун, уретрадан ПЗР, микробиологик текширувлар ва маҳаллий иммунитет ҳолатини ўрганиш мақсадида шиллиқ қават ажралмасидан суртмалар олинган.

Тадқиқот усуллари. Текширув жараёнида умум клиник, микробиологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

урогенитал хламидиоз ва уреаплазмозларнинг эркакларда клиник

кечиш хусусияти асосан яллиғланиш жараёнининг субклиник кечиши ва кам ёки ўртача даражадаги ажралмали холатларда, уларда уретранинг анатомик ўзига хос тузилиши туфайли ва шиллиқ қават эпителийсида эндотелий хужайраларнинг иммуногистологик холатига бевосита боғлиқлиги исботланган;

урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни солиштирма текширилганда энг самарали усуллар ПЗР ва ИФА усуллари – сезувчанлиги 90-98 % гача ташкил этганлиги учун диагностикада, цитологик ва культурал усуллар эса сезувчанлиги юқорилиги ва кенг оммабоплиги туфайли скрининг текширувларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда жараённинг организмда кенг тарқалиши, нейтрофил звено ва макрофагларни қамраб олиши натижасида лимфоцитлар популяциясида иммун тизимида хужайравий иммунитет (CD3+, CD4+, CD8+) кўрсаткичларининг ишончли даражада камайиши, гуморал иммунитет кўрсаткичи (CD 20+, Ig G) миқдорларининг кескин ошиши ва иммун тизимидаги номутаносибликлар юз бериши исботланган;

илк бор урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда цитокин статусида яллиғланиш цитокинлари (ИЛ-1, ФНО- α) лар концентрациясининг ортиши ва яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4нинг кескин камайиши, бу холат айниқса ассоцирланган инфекция холатларида кучлироқ ривожланганиши билан кечувчи цитокин тизимидаги турғунликнинг бузилиши аниқланган;

урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда ўтказилган такомиллаштирилган иммуннокоррегирловчи даволаш усули билан умумий, маҳаллий иммунитет ва цитокин статусидаги аниқланган бузилишлар хужайра иммунитет ва гуморал қатор кўрсаткичларининг тикланишига эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда текширув усулларига қиёсий тавсиф берилган ва диагностика ва скрининг усулларига мос усуллар тавсия этилган;

бу беморларни иммунологик ташхислаш касаллик асоратларининг олдини олиш ҳамда даволаш муддатларини қисқаришига ёрдам бериши асосланган;

такомиллаштирилган этиопатогенетик комплекс даволаш усули беморларда клиник симптомларнинг йўқолиши, қўзғатувчи элиминациясига традицион давога нисбатан тезроқ самарага эришиш имконини бериши исботланган;

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий бир-бирини тўлдирувчи клиник, бактериологик, иммунологик, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек,

тадқиқот натижаларининг халқаро, ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни текширув усулларига қиёсий тавсиф берилиб, уларнинг клиник кечишга боғлиқлиги ўрганилиб, лаборатор текширувларидаги натижалар касалликнинг клиник симптомлари, давомийлиги ва ассоциацияда учраганда оғирлик даражаларига боғлиқлиги илмий исботланган ва урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозда беморларда илк маротаба маҳаллий иммун тизими ҳолати ўрганилиб, уларнинг касаллик кечиши характериға қараб ўзгариши илмий исботланиб хужайра, гуморал иммунитет ва цитокин ҳолатининг ўзгаришлари маҳаллий иммун тизимиға боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни даволашда ишлаб чиқилган иммунопатогенетик даволаш комплекс даволаш усули беморларда клиник белгиларни эрта йўқолиши, асоратларнинг олдини олиниши, даво муддатининг қисқаришиға олиб келади ва бунинг натижасида эркакларнинг ижтимоий турмуш тарзига қайтиб, ҳаёт сифатининг яхшиланишиға олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни комплекс даволашда ишлаб чиқилган такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни даволашнинг такомиллаштирилган усули» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 октябрдаги 8Н-р/268 сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномалар урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришға хизмат қилган. Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларни даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимиға, жумладан, ЎЗР ССВ РИДВваКИАТМнинг жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар ва репродуктив бузилишлар бўлимида, Тошкент ва Самарқанд вилоят тери таносил диспансерлари амалиётиға тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 ноябрдаги 8н-з/198-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётға жорий қилиниши тиббий ёрдам сифатини ошириш, шунингдек, ташхисот ва даволашнинг янги усулларини қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳамда уларнинг даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та съезд ва илмий-амалий анжуманларида, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсида тақдим қилинган ва муҳокамадан

ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 5 таси республика 2 таси хорижий журналларда илмий нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 7 бобдан, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган текширув натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва тадбиқ қилиниши, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг **«Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмознинг этиопатогенези ва даволаш ҳақида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи боби учта қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмознинг этиологияси, патогенези ва клиник кечишлари ҳақида замонавий тушунчалар»да маҳаллий ва хорижий матбуотларда сўнгги 10-15 йил ичидаги адабий манбалардан олинган маълумотлар, урогенитал хламидиоз ва уреоплазмознинг этиологияси, ривожланишининг патогенетик аспекти ва клиник кечишлари ҳақида айтиб ўтилади. Адабиётлар шархининг иккинчи қисми «Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозда иммун бузилишларнинг аҳамияти»да касалликнинг келиб қичиши ва кечишида иммун бузилишларнинг тутган ўрни таҳлил қилинади. Адабиётлар шархининг учунчи қисми «Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозни даволашнинг замонавий усуллари»да касалликни даволашда ҳозирда мавжуд бўлган ва қўллаб келинаётган усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Биологик объектларни текширишда замонавий ёндашувлар»** номли иккинчи бобида тадқиқотнинг куйидаги материаллари ва усуллари: клиник, микробиологик, иммунологик ва статистик текширув усуллари батафсил келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва қўйилган вазифаларига етишиш учун 26 дан 65 ёшгача бўлган 102 нафар жинсий аъзолар яллиғланиши билан оғриган эркак беморлар комплекс текширувдан ўтказилди. Булар орасида шахар аҳолисига мансуб шахслар 31,4% ва қишлоқ аҳолиси – 68,6 % ни ташкил қилди.

Текширилаётганлардан 43,1% ида уреоплазма, 38,3%ида – хламидий ва 18,6% ида –хламидий-уреоплазма инфекцияси биргаликда ташхиси қўйилди (расм 1).



Расм 1. Беморларни этиологик омилга қараб тақсимланиши

Урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозли 102 та беморнинг клиник тавсифи уларнинг ёши, касаллик давомийлиги, касаллик келиб чиқиш сабаби ва субъектив шикоятларига қараб батафсил тасвирлаб берилди.

Илмий ишда қуйидаги текширув усулларидан фойдаланилган:

- микробиологик текширувлар – уретрада хламидий ва уреоплазма инфекцияларини, ёндош микрофлора ва антибиотикка сезувчанлигини текшириш усули;

- иммунологик текширувлар – Залялиева М.В. усули (2004) ёрдамида лимфоцитларнинг субпопуляцион таркибини аниқлаш, зардоб иммуноглобулинларини Mancini G. (1965) усулида аниқлаш, Арипова Т.У. ва б. (2005) усулида цитокинларни аниқлаш усуллари;


- полимераз занжирли реакцияси (ПЗР).

Текширувда олинган натижалар статистик таҳлил учун дастурли таъминлашни ўз ичига олган EXCEL пакети ёрдамида вариацион статистика усули орқали кўрсаткични ўртача арифметик (M), ўртача стандарт хато (m), нисбий катталикларни (учраши, %) ҳисоблаб ўтказилди. Олинган ўлчовларни ўртача катталикларга солиштирганда статистик аҳамиятини Стьюдент критерийи (t) бўйича нормал жойлашишини текширганда эҳтимолий хатони (p) ва асосий дисперсия тенглигини (F – Фишер критерийи) ҳисоблаб аниқлаш орқали қўлланилди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар деб ишончлилик даражаси $p < 0,05$ олинди.

Диссертациянинг «Урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияси билан сийдик-таносил йўллари яллиғланган беморларда клиник кечишнинг ўзига хослиги» деб номланган учинчи бобида урогенитал хламидиоз ва уреоплазмознинг 102та эркак беморда клиник кечиш тавсифи батафсил ёритиб ўтилган.

Бунда, текширув натижалари шуни кўрсатдики, урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияси билан оғриган беморларнинг 70,6% ида сурункали тотал уретрит ва 29,4%ида – сурункали олдинги уретрит

аниқланди. Текширилганлар орасида 45,1% пациентда касаллик кечиши бепуштлиқ билан ва 20,6% беморда эса – катарал простатит билан асоратланди (расм 2).



Расм 2. Сийдик-таносил аъзолари касалланганларда топиқ ташхис

Сийдик-таносил аъзоларидан ажралма келиш характери ўрганилганда 38,2% беморда кам миқдорда ажралма, ўртача миқдорда –30,4% да, кўп миқдорда –10,8% беморда учради. Қолган 20,6% беморда эса ажралма умуман учрамади.


Уретра ажралмасидан культурал текширувлар ўтказилганда, урогенитал хламидиоз, уреоплазмозли беморларда специфик инфекцион агентлардан ташқари бошқа ёндош бактериал микрофлоралар ҳам учрайди. Бунда, эхмада 13,7% беморда *Staphylococcus epidermidis*, 4,9% да – *Streptococcus viridans*, 3,9% да – *Streptococcus haemolyticus*, 2,0% да – *Enterococcus* ва 1,0% да – *Staphylococcus aureus* колониялари ўсиб чиқди. Шундай қилиб, урогенитал жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияли беморларда, умумий миқдордан 25,5% пациентда ёндош микрофлора ўсиши кузатилди.

Уретроскопия ўтказилганда барча (100%) беморда ўртача ёки юқори даражада ривожланган олдинги ва орқа уретра юмшоқ инфилтрати, морганит –44,1% да, периморганит –5,9% да ва колликулит –15,9% беморда кузатилди. Шундай қилиб, урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциациясили беморларнинг барчасида юмшоқ инфилтрат (100%) ва морганит (44,1%) белгилари учрайди.

Диссертациянинг «Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда турли текширув усулларининг солиштирма тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида турли урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозли 102 беморда ўтказилган текширув усуллари натижалари: цитологик, культурал, ИФА ва ПЗР ларнинг қиёсий хулосалари келтирилган.

Урогенитал уреоплазмозни аниқлаш мақсадида культурал, ИФА ва ПЗР усулларидан, урогенитал хламидиозга эса – цитологик усул, ИФА ва ПЗРдан фойдаланилди.

Текширилган беморлар орасида сийдик-таносил йўлларида ажралмани культурал усул билан текширилганда 61,8% пациентда уреаплазма ўсиб чиқди, ПЗР-диагностикада эса –58,8% беморда уреаплазмага мусбат натижа берди. Специфик иммуноглобулинлар G (IgG) мавжудлигига қон зардобиди ИФА текширувлар ўтказилганда ногонококкли беморларнинг 102 тасидан 61,8% ида мусбат натижа олинди (расм 3). Бу эса Ur. Urealyticum аниқланишида уччала текширув усулларида ҳам деярли бир хил натижага эришилади.



Расм 3. Урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозни текширув усулларига нисбатан аниқланиш частотаси

Ўрганилаётган беморлар орасида сийдик-таносил йўлларида ажралмани цитологик усул билан текширилганда 56,9% пациентдахламидий аниқланди, ПЗР-диагностикада эса –52,9% беморда Chl. Trachomatis га мусбат натижа берди. Специфик иммуноглобулинлар G (IgG) мавжудлигига қон зардобиди ИФА текширувлар ўтказилганда ногонококкли беморларнинг 102 тасидан 54,9% ида мусбат натижа олинди (расм 3).

Текширув усуллари натижаларини қиёслаш учун культурал усул билан уреаплазма ажратиб олинган 63 бемор ва уретра ажралмасидан цитологик усулда Chl. Trachomatis аниқланган 58 пациент танлаб олинди. Параллел равишда уретра ажралмасидан ПЗР-диагностика, ҳамда қон зардобидан уреаплазма ва хламидийга специфик иммуноглобулинлар (IgG)ни аниқлаш учун ИФА текшируви ўтказилди.

Сийдик-таносил йўллари ажралмасидан ПЗР-диагностика орқали текширилганда урогенитал уреаплазмозли 63 беморнинг 58,8% ида мусбат натижа олинди. 60 мусбат натижадан 50 (83,3%) да Ur. urealyticum аниқланди, жумладан 23 тасида Parvo биовари, T-960 биовар– 18 беморда, Parvo+T960 биоварлари биргаликда эса 9 беморда учради, 3 (5,0%) беморда

Мус. genitalium ва 7 (11,7%) нафарда – Мус. Hominis кузатилди. Текширилганлар орасида Ur. urealyticum, Мус. Hominis ва Мус. genitalium биргаликда 21,4% беморда кузатилди.

Урогенитал хламидиозли 58 беморнинг уретра ажралмасидан ПЗР – диагностика ёрдамида текширилганда 52,9% да Chl. Trachomatis га мусбат натижа олинди. Бундай кам аниқланиш сабаби бўлиб ПЗР текширув усули ўта сезгир ва аниқ усул бўлиб, Chl. Trachomatis ни аниқлашда цитологик усул эса материални тўғри олиш билан боғлиқлиги хизмат қилади, ҳамда инфекция ўчоғининг урогенитал трактнинг юқори қисмларида жойлашиши, иммун жавобнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Урогенитал уреоплазмоз билан оғриган беморлар қон зардобиди бу инфекцияга специфик иммуноглобулин IgG мавжудлигини ИФА текшируви орқали ўтказилганда ҳамма ҳолатда (100%) мусбат натижа олинди, жумладан 84,1% беморда Ur. Urealyticum га нисбатан махсус IgG, 11,1% –Мус. Hominis га, 4,8% ҳолатда Мус. Genitalium га ва 21,4% беморда Ur. Urealyticum, Мус. Hominis ва Мус. Genitalium биргаликдаги ҳолатда махсус IgG ларга мусбат натижа олинди.

Урогенитал хламидиозли беморларда специфик иммуноглобулин IgG мавжудлигига қон зардобиди ИФА текширувлари ўтказилганда 58 та текширилган бемордан 96,5% ида мусбат натижа олинди, қолган 3,5% беморда эса текширувлар манфий натижани берди.

Олинган маълумотларда ПЗР ва ИФА тахлиллари натижаларида биоматериалда Ur.urealyticum, Мус.hominis ва Мус. Genitalium ларнинг мавжудлиги 54,8%, 11,1% ва 4,8% ҳолатларда мос равишда бир-бирига мос келди. Шу билан бирга биоматериалда Chl. Trachomatis мавжудлиги 46,3% ПЗР ва ИФА-диагностикалар натижаларида бир-бирига мос келди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, касаллик жараённинг зўрайиш даврида ИФА текширувларда Ur. Urealyticum ва Chl. Trachomatis ларга IgG титрининг баландлигидан ташқари специфик иммуноглобулин Ig M титрининг ҳам кўтарилиши кузатилди.

Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозда турли текширув усулларини қиёсий тахлили шуни кўрсатдики, ИФА- ва ПЗР-диагностика усуллари нисбатан сезгир ва аниқ усул бўлиб, цитологик ва культурал усуллардан эса бу инфекцияларнинг скрининг мақсадларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияси билан хасталанган беморларда умумий ва маҳаллий иммунитет тизими ҳолати» деб номланган бешинчи бобида урогенитал хламидиоз ва уреоплазмоз билан хасталанган беморларда этиологик омил ва сийдик-таносил йўлларида ажралма келиш характериға боғлиқ олган ҳолда организмнинг умумий ва маҳаллий иммунологик тавсифи тасвирлаб ўтилган.

Тадқиқотлар 26 ёшдан 50 гача бўлган 67 беморда олиб борилди. Улар орасида урогенитал уреоплазмоз 27 беморда, хламидиоз – 21 дава урогенитал уреоплазмоз ва хламидиоз ассоциацияси –19 беморда учради.

Назорат гуруҳни 21 дан 36 ёшгача бўлган 17 та амалий соғлом шахслар ташкил қилди.

Иммунитетнинг Т-хужайра звеносини текширув натижаси шуни кўрсатдики (расм 4), барча текширилган гуруҳ беморларда CD3-, CD4-хужайраларнинг фоиз даражасининг ишончли пасайиши ва CD8-хужайралар миқдорининг юқорилиги кузатилди. Бироқ, бу пасайишлар барча гуруҳда бир хил эмас, яъни урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларда CD3-хужайра ($p < 0,001$ ва $p < 0,01$ мос равишда), CD4-хужайра ($p < 0,001$ ва $p < 0,01$ мос равишда) даражаси пасайди ва CD8-хужайралар ($p < 0,01$) камроқ миқдорини кўтарилиши, урогенитал уреаплазмоз ва хламидиоз ассоциациясида эса ($p < 0,01$) кўпроқ учраши кузатилди.

ИРИ кўрсаткичи эса барча текширилган гуруҳларда назоратга нисбатан ($2,08 \pm 0,05$) пасайди ($1,51 \pm 0,05$, $1,48 \pm 0,07$ ва $1,23 \pm 0,06$ мос равишда). ИРИнинг кучлироқ пасайиши хламидий ва уреаплазма ассоциацияли беморларда кузатилди.




Рис.4. Урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларда иммун статус ҳолати

Иммунитетнинг гуморал звеноси текширилганда, барча текширилган гуруҳларда CD19-хужайралар IgG миқдорининг ишончли ошиши ($p < 0,001$), ва IgA концентрациясининг пасайиши ($p < 0,05$ ва $p < 0,001$ мос равишда), IgM миқдори эса меъёр даражасида сақланиб қолди.

Кейинги тадқиқотларда урогенитал уреаплазмоз, хламидиоз вауларнинг ассоциацияси бўлган беморларда уретра ажралмасига боғлиқ ҳолда иммун тизимнинг ўзгариши ўрганилди.

Текшириладиган беморларни уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга сийдик-таносил аъзоларидан кам миқдорда ажралмали 32 бемор танлаб олинди, иккинчисига–ўртача даражада, яъни шиллик-йирингли ажралмали 24 бемор, учинчи гуруҳга– кўп миқдорда ёки йирингли ажралмали 11 бемор танланди.

Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, барча текширилган гуруҳ


беморларда CD3-, CD4-хужайраларнинг фоиз даражасининг ишончли пасайиши ва CD8-хужайралар миқдорининг юқорилиги кузатилди. Пасайиш даражаси юқорилиги ажралмаси кўп миқдорда бўлган беморлар гуруҳида яққолроқ кузатилди. CD8-хужайра миқдори барча текширилаётган гуруҳларда бир хил ошиши маълум бўлди. ИРИ кўрсаткичи эса барча текширилган гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли пасайди. ИРИнинг кучлироқ пасайиши учинчи гуруҳ беморларда кузатилди.

Иммунитетнинг гуморал звеноси текширилганда, барча текширилган гуруҳларда CD19-хужайралар IgG миқдорининг ишончли ошиши кузатилди ($p < 0,001$). Бу кўтарилишлар ажралмага боғлиқ гуруҳларга нисбатан турли даражада кузатилди. IgA ва IgM концентрациялари эса ўзгармай қолди ($p < 0,05$).

Тадқиқот натижалари шундан дарак берадики, урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциациясида иммун тизим ишидабузилиш кузатилиб, хужайра тизими танқислиги ва иммунитет гуморал қаторининг кўтарилиши билан кечади. Иммун тизимида яққолроқ силжишларуреоплазма ва хламидий ассоциацияли гуруҳларда ва уретрадан кўп миқдорда (йирингли)ажралма бўлган гуруҳда кузатилади.

Маҳаллий иммун ҳолатни ўрганиш мақсадида носпецифик иммун химоя кўрсаткичлари ўрганилганда М ва G синф носпецифик иммуноглобулинлари ҳамда секретор иммуноглобулин (sIgA) концентрациялари ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, урогенитал уреоплазмозли, ҳамда хламидиозли беморларда уретра суртмасида, назорат гуруҳига нисбатан, носпецифик мос равишда IgM 1,4 ва 1,5 баравар пасайгани, носпецифик IgG – 1,2 ва 1,1 баробар ва sIgA – 1,2 ва 1,3 бараваркамайгани кузатилди (расм5).



Расм 5. Этиологик омилга нисбатан беморларда маҳаллий иммунитет кўрсаткичлари

Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиоз ассоциацияли беморларда маҳаллий иммунитет ҳолати текширилганда носпецифик IgM ($p < 0,001$), IgG

($p < 0,001$) ҳамда sIgA ($p < 0,001$) концентрацияларининг, назорат гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши маълум бўлди.

Кейинги тадқиқотларда Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда уретрадан ажралмага нисбатан маҳаллий иммунитет ҳолати ўрганилди.


Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда маҳаллий иммунитет ҳолати текширилганда, уретрадан ажралмаси кам бўлган беморларда носпецифик IgM ($p < 0,001$), IgG ($p < 0,001$) ҳамда sIgA ($p < 0,001$) концентрацияларининг, назорат гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши кузатилди. Ажралмаси ўртача миқдорда ва кўп, яъни йирингли ажралмали беморларда ҳам носпецифик IgM ($p < 0,001$), IgG ($p < 0,01$ ва $p < 0,001$ мос равишда) ҳамда sIgA ($p < 0,01$ ва $p < 0,001$ мос равишда) концентрацияларининг, назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли пасайгани кузатилди. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, маҳаллий иммунитет ҳолатидаги бузилишлар тўғридан-тўғри равишда беморлар сийдик-таносил йўлларида ажраладиган ажралма характериға боғлиқ, яъни ажралма келиши қанчалик кўп бўлса, иммун ҳолатидаги ўзгаришлар шунчалик яққолроқ ривожланган бўлади.

Юқоридагилар шундан далолат берадики, урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияли беморларда маҳаллий иммун тизими ишида ҳам бузилишлар, маҳаллий носпецифик иммуноглобулинлар кўрсаткичлари пасайиши кўринишида кузатилади. Бу эса аниқланган маҳаллий иммун ҳимоя бузилишларини тиклаш мақсадида комплекс даво чораларига организм ҳимоя фаолиятини коррегирловчи препаратлар қўшиш мақсадга мувофиқлиги заруриятидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияли беморларда цитокин статусни ўрганиш**» деб номланган олтинчи бобида урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияли беморларда этиологик омил ва уретрадан ажралма характериға боғлиқ ҳолда цитокин статуслар ҳолати ўрганилди.

Этиологик омилга нисбатан урогенитал уреоплазмозли ва хламидиозли беморларда даводан олдин цитокин статус ўрганилганда (расм 6), қон зардобида урогенитал хламидиоз ва уреоплазмозда, назорат гуруҳига нисбатан, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 ($p < 0,001$) нинг пасайиши ва яллиғланиш цитокинлари ИЛ-1 ва ЎНО- α ($p < 0,001$) ларнинг ошиши кузатилди. Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозларнинг ассоциацияли беморларда бу ўзгаришлар кучлироқ ривожланиши кузатилди. Бу гуруҳ беморларда ИЛ-4 концентрациясининг статистик пасайиши ва ИЛ-1 ва ЎНО- α миқдорларининг, назорат гуруҳига нисбатан, ишончли ошиши кузатилди ($p < 0,01$).

Юқорида айтиб ўтилганлар шунинг кўрсатдики, бу гуруҳи урогенитал тракт яллиғланишли беморларда, қон зардобида цитокин статус кўрсаткичларида турли ўзгаришлар юз беради, бу эса этиологик омилга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.



Расм 6. Урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларда цитокин статус кўрсаткичлари

Кейинчалик урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларда уретра ажралмасига нисбатан цитокин статус ҳолати ўрганилди.

Сийдик-таносил йўлларида ажралма характериға нисбатан урогенитал уреаплазмозли ва хламидиозли беморларда давдан олдин цитокин статус ўрганилганда, қон зардобида текширилаётган гуруҳларда, назорат гуруҳига нисбатан ($p < 0,001$), яллиғланишға қарши цитокин ИЛ-4 нинг пасайиши ва яллиғланиш цитокинлари ИЛ-1 ва ЎНО-α ларнинг ошиши кузатилди. Уретрадан ажралма кўп миқдорда бўлган беморларда бу ўзгаришлар кучлироқ ривожланиши кузатилди. Бу гуруҳ беморларда ИЛ-4 концентрациясининг статистик пасайиши ва ИЛ-1 ва ЎНО-α миқдорларининг, назорат гуруҳига нисбатан, ишончли ошиши кузатилди.

Олинган текширув хулосалари тахлили шуни кўрсатдики, урогенитал уреаплазмозли ва хламидиозли беморлар ва уларнинг ассоциацияли беморларда яллиғланиш жараёни цитокин статус бузилиши фонида кечади, бу эса ИЛ-4 цитокин пасайиши этиологик омил ва ажралма характери билан боғлиқ ҳолда юз беради. Ўрганилаётган цитокинлар (ИЛ-1, ЎНО-α ва ИЛ-4) хужайра ва гуморал иммунитет стимуляциясида иштирок этишини ҳисобга олсак, юқоридаги инфекцияли касалликларда цитокин статус бузилиши натижасида, унинг ишланиши бузилади, бу эса ўз навбатида организмда патологик жараён ривожланишиға қулай муҳит яратади.

Диссертациянинг «Урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларда умумий, маҳаллий ва цитокин статусни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш усули самарадорлигини баҳолаш» деб номланган еттинчи бобда урогенитал уреаплазмоз ва хламидиозли беморларни даволашда умумий ва маҳаллий иммунитет ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги даво усули: маҳаллий ишлаб чиқилган иммунокоррегратор препарат «ЦелАгрип» ва маҳаллий қўлланилувчи препарат «Одам лейкоцитар интерферони»ни маҳаллий қўлланилувчи препаратлардан ташкил топган даво комплекси ҳақида сўз юритилади.

ЦелАгрип 0.012ни 2 таблеткадан, кунига 3 маҳал, 5 кун

давомидабуюрилди.

Одам лейкоцитар интерферони 1000 ХБдан5 мл физиологик эритмада эритилди ва уретрага инстилляция кўринишида юборилди. Тотал уретрит билан оғриган беморларга препаратни ҳар куни 5 мл дан, 10 кун давомида инстилляция кўринишида, олдинги уретритда- 3 мл дан 5-7 кун мобайнида ҳар куни иснтилляция кўринишида юборилди.

Олиб борилган терапия самарадорлигининг критерийси бўлиб, сийдик-таносил йўлларида ажралма келишининг тўхташи, сийганда уретра йўлларида оғриқ ва ачишишнинг йўқолиши ёки камайиши ҳисобланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, урогенитал уреоплазмозли беморлардаасосий гуруҳда оғриқ қолиши ва сийганда ачишиш ва оғриқ йўқолиши ўртача $3,1 \pm 0,35$ кунни, традицион даво қабул қилганларда эса – $5,7 \pm 0,47$ кунни ташкил қилди. Бу гуруҳ беморларда уретра йўлларида ажралма келиши традицион даво олганларда $4,9 \pm 0,41$ кунга келиб тўхтаган бўлса, ишлаб чиқилган комплекс даво қабул қилганларда ажралма келиши $3,2 \pm 0,30$ кундан кейин йўқолди.

Урогениталхламидиозда асосий гуруҳда сийдик йўлларидаги оғриқ ва ачишиш ўртача $3,7 \pm 0,33$ кунни ташкил этган бўлса, традицион терапия қабул қилганларда бу кўрсаткич – $6,0 \pm 0,44$ кунни ташкил этди. Сийдик-таносил йўлларида ажралма келиши традицион даво олганларда $5,1 \pm 0,35$ кунни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқилган комплекс усулдан сўнг бу кўрсаткич $3,5 \pm 0,21$ кунни ташкил қилди.

Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиоз ассоциацияли беморларда традицион даво олган гуруҳда ажралма келиши ўртача $6,3 \pm 0,33$ кунни ташкил этди, сийгандаги оғриқ ва ачишиш йўқолиши $7,2 \pm 0,48$ кунга келиб кузатилди. Асосий гуруҳда эса ажралма келиши ўртача $5,0 \pm 0,26$ кун ва сийганда оғриқ ва ачишиш тўхташи давонинг – в $5,2 \pm 0,48$ кунда кузатилди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, биз томондан таклиф қилинганурогенитал уреоплазмоз ва хламидиозни комплекс даво усули, традицион давога нисбатан, сийдик йўлларида ажралма келишини эрта муддатларда тўхташи, сийганда оғриқ ва ачишиш сезгиларининг эртароқ йўқолишига, эришиш имконини берди.

Урогенитал уреоплазмоз ва хламидиоз ассоциацияли беморларда бу кўрсаткичларга моноинфекция ҳолатига нисбатан камроқ эришилди, бу ҳолатга сабаб – икки ва ундан ортиқ инфекцион агент бирга келганда касалликнинг оғирроқ кечиши туфайли юз беради.

Тадқиқотлардан шу нарса аниқландики, урогенитал уреоплазмоз, хламидиоз ва уларнинг ассоциацияли беморларда умумий ва маҳаллий, ҳамда цитокин статус ҳолатларида маълум бузилишлар юз беради. Шу мақсадда биз томондан санаб ўтилган кўрсаткичларни даво жараёнида динамикада ўрганилди.

Иммун ҳолатларини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, урогенитал уреоплазмоз ва хламидиозли беморларда традицион даводан сўнг,

